


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатта олинди

№ 5510400-3.22

2015 йил "16" 07



ОРТОПЕДИК СТОМАТОЛОГИЯ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510000 – Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналиши: 5510400 - Стоматология

3.22

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил "21" октябр "305" - сонли буйруғининг 4 - иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофаклаштирувчи Кенгашининг 2015 йил "16" декабр даги 4 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: **Хабиров Н.Л.** т.ф.д. профессор
 Акбаров А.Н. т.ф.н. доцент
 Сафаров М.Т. т.ф.н. доцент

Тақризчилар: **Комилов Х.П.** – ТТА, т.ф.д. профессор.
 Алимов А.С. - ТВМОИ, т.ф.д. профессор.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашида куриб чиқилган ва тасдиқланган (2012 йил "14" октябр "1" - сонли баённома).

КИРИШ

Ортопедик стоматология асосий булимлари буйича амалий ва назарий билимларга эга булган умумий шифокор стоматологини тайёрлаш.

Ортопедик стоматология фани буйича тузилган намунавий ўқув дастури стоматологик таъхис кўйиш учун, даволаш режасини тузиш учун ва беморларга бирламчи ортопедик стоматологик ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган.

Ушбу намунавий дастур IV-X семестр талабаларини амалий ва назарий билимларини кафедрани, тиш созловчилар лабораториясида ошириш ва амалий кўникмаларни узлаштириш мақсадида тузилган.

Талабаларни фантомларда тиш каттик тўқимасига ва тиш протезларига ишлов беришда, билан ишлашни ургатиш. Талабаларни оғиз бушлиги органлари ва тиш-жағ системаси биомеханикаси ташкилий тузилмалар тўғрисида маълумот бериш ва тушунтириш. Талабаларни ортопедик стоматология амалиётида кулланиладиган асосий ва ёрдамчи хом ашёлар билан таништириш.

Ортопедик стоматологияда беморга тиш тожи нуқсонларида ва қисман, тулик тишсизликда ортопедик стоматологик ёрдам бера оладиган умумий врач стоматологлар тайёрлаш кўзда тутилган. Дастур бошида талабаларга тиш каттик тўқимаси нуқсонини кистирма ёрдамида ортопедик даволаш усуллари ўргатилади, шу жумладан кистирма учун бўшлиқни шаклантириш мезонлари, кистирма тайёрлашнинг клиник-лаборатор бошқичлари, кистирма тайёрлаш учун хом-ашё турлари тўғрисида маълумот берилади. Тишни чархлаш вақтида тиш ўзагида ва тиш атроф тўқималарида содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва асоратлар; эзиб тайёрланган ва сунъий қуйма копланмаларни тайёрлашни клиник-лаборатор бошқичлари. Турли хил копланмаларни, ўзакли тишлар, кўприксимон протезларни (олинадиган ва олинмайдиган) тайёрлашнинг клиник-лаборатор бошқичлари, оғиз бўшлигини ортопедик даволашга тайёрлаш олиб қўйилувчи протезларнинг турлари (пластинкали, ёйли протезлар) ўргатиш ва амалиётда куллаш.

Ушбу дастур пародонт касалликлари, пастки жағ чакка бўғими касалликлари, оғиз бўшлиги шиллик кавати касалликлари, тишларнинг патологик емирилиши, тиш-жағ системаси аномалиялари ҳамда юз-жағ ортопедияси, ўк отар ва ўк отар бўлмаган жароҳатлар, тиш имплантология асосларини ўргатишни ўз ичига олади.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фани ўқитишдан мақсад – оғиз бўшлигининг тиш қаторларини ҳар хил патологик ҳолатида анатомик, физиологик ва функционал қуринишини шуниндек тиш ва тиш қаторларининг патологик ҳолатини аниқлаш ва бу ҳолатларда тиш протезлари конструкцияларини танлаш мезонларини ўргатиш; оғиз бўшлиги аъзоларининг структура тузилиши ва тиш-жағ системаси биомеханикаси тўғрисида, қисман ва тулик тишсизликларда олиб қўйилувчи тиш протезлари билан даволаш асосларини ўргатади; оғиз бўшлигининг тиш қаторларини ҳар хил патологик ҳолатида анатомик, физиологик ва функционал

қўринишини, пародонт тўқимаси касаликлари, ЧПЖБ касаллигида, тиш каттик тўқимасининг патологик емирилишида, имплантатлар ёрдамида ортопедик даволаш асосларини. Ук отар ва ўк отар бўлмаган жароҳатлар ўргатишни ўз ичига олади.

Фанининг вазифалари:

- ортопедик стоматология ҳонаси ва тиш созловчилар лабораториясини тузилиши, зарур асбоб-ускуналар билан таништириш;
- тиш ва тиш каторларининг анатомик тузилиши, катик туқимар ва милкнинг эгати шиллик кавати гистологик тузилиши;
- беморни куриқдан утказиш койдалари, ташки куриниши, субъектив ва объектив текшириш усуллари ҳамда замонвий текшириш усулларини ургатиш;
- тиш протезларининг тури, уларнинг қуллаш мезонларини ургатиш;
- беморни оғиз бўшлигини тиш протезлаш учун тайёрлашни ўргатиш, тиш протезларини олинмайдиган конструкцияларини тайёрлаш клиник-лаборатор босқичлари ўргатилади;
- сунъий қопламалар учун тиш тож қисмини чархлаш йўли билан тайёрлашни ва сунъий қопламалар турларини ўргатади;
- талабаларни тиш каторини қисман адентиясини клиникаси ва текшириш усуллари протез майдонини тўқималарини баҳолашда клиник ва функционал усуллар;
- тиш каторларининг барча нуқсонларида жағларнинг марказий окклюзияни аниқлаш;
- Пародонт тўқимаси касалликларида тасхислаш, профилактика ва даволаш;
- ЧПЖБ касалликларини тасхислаш ва даволаш
- патологик емирилишини тасхислаш ва даволаш
- Тиш имплантатларда протезлаш
- Оғиз бўшлиги шиллик кавати касалликларида ва иккиламчи деформацияда протезлаш;
- ўк отар ва ўк отар бўлмаган жароҳатларда протезлаш

Фан бўйича талабаларнинг билимига, қўникама ва малакасига қўйиладиган талаблар

«Ортопедик стоматология» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга оширилладиган масалалар доирасида бакалавр:

Ортопедик стоматология фанининг қайси бўлимлардан иборатлигини, фанининг мақсад ва вазифаларни: ортопед стоматолог хонасинини жиҳозланишидаги булган ўзига хос хусусиятлари; тиш созловчилар лабораториясини тузилиши, тиш созловчиларни амалиётида зарур булган асбоб-ускуналар тузилиши: анатомик ва функционал тузилишини; тиш ва тиш

каторларнинг тузилиши, прикуслар тушунчасини; тиш тож кисмининг каттик тукумаси нуксонида унинг чархлаш асосларини; хар хил турдаги сунъий копламаларга тишнинг чархлаш асосларини; тиш тожи кисман ва батомом нуксонида штифтли конструкциясига илдиз кисмини тайёрлаш ва мумли композициясини шакллантириш; тиш каторлари кичик нуксонларида куприксимон протезлаш учун таянч тишларни чархлаш мезонини; хар хил турдаги колип олиш асосларини; тиш каторларининг ўрта ва катта нуксонларида беморни объектив текшириш усулларини; кисман ва тулик тиш каторлари нуксонларида колип олиш мезонларини; ушбу беморларда марказий окклюзияни аниклаш; ёйли тиш протезлари билан беморни даволаш жарёнида параллелометрия асосларини; ёйли тиш протезларини металл асосини мослаштиришни; парадонт касалликлари симптомларини, парадонт касалликлари таснифи ва даволаш усуллари, парадонтограмма ва уни анализи, ЧПЖБ касалликларини таснифи, даволаш тактикаси; патологик емирилишда ортопедик даволаш тактикасини; тиш-жағ тизимининг иккиламчи деформация турларини *билиши керак*.

Барча стоматологик хом ашёларини кориштириш койдаларини билиш; фантом моделларда тишларни чархлаш асосларини билиш; ортопедик стоматология амалиётида кулладиган функционал текшириш усулларини (гнатодинамометрия, термометрия, чайнаш синамаларни) утказиш; хар хил турдаги сунъий копламалар учун тишни чархлаш асосларини; тиш тожи кисман ва батомом емирилганда илдизга узакли конструкциясини тайёрлаш; бемор оғзидан анатомик, функционал, икки каватли, ёрдамчи колипларни олиш асосларини билиши керак; хар хил клиник куринишда марказий окклюзия ва тишлов баланглигини аниклаш асосларини тасвирлаш; тишларни кимирлаш даражасини аниклаш, рентгенограммада суякни атрофия даражасини аниклаш; окклюзиограммани утказишни; танлаб чархлаш усулларини утказиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғликлиги ва услубий жihatдан узвий кетма-кетлиги

Ортопедик стоматология фанини урганиш учун зарур булган фанлар ёки уларни бўлимларини мажмуаси: биологик кимё, биоорганик кимё, биология, биофизика, одам анатомияси, гистология, цитология, эмбриология, нормал физиология, патологик анатомия, патологик физиология, гигиена билан экология, тиббий суд экспертизаси, юкумли касалликлар, эпидемиология, ички касалликлар, хирургик касалликлар, физиотерапия, клиник фармакология, отоларингология, нур ташхиси, фармакология, оператив жаррохлик ва топографик анатомия, неврология (асаб касалликлари), психиатрия ва тиббиёт психологияси, маркетинг ва менежмент фанлардан етарли билим ва қўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг ортопедик стоматология фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илгор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информациион-

педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, таркатма материаллар, компьютер дастурлари, электрон материаллар фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Ортопедик стоматология аси фани тарихи ва ривожланиш тенденциялари. Фаннинг мақсад ва вазифалари. Фаннинг ривожланишига ҳисса қўшган олимлар. Ортопедик стоматология бўлими, унинг таркибий қисмлари. Ортопед стоматолог хонасини, тиш соловчилар лабораторияси тузилиши ва жиҳозланиши. Юз-жағ соҳасини анатомияси ва физиологияси. Тишларнинг ва тиш қаторларининг анатомияси ва физиологияси. Оғиз бўшлигини шиллик қаватини гистологик тузилиши ва унинг ортопедик стоматология амалиётидаги аҳамияти. Ортопедик стоматология амалиётида ишлатиладиган ҳам ашёлари, унинг таснифи, қўллашга бўлган қўрсатмалар. Беморнинг ортопедик стоматология клиникасида объектив ва субъектив текшириш усуллари, диагностика асослари. Техника хавфсизлиги.

Стерилизация ва дезинфекция, ходимларни хи-моя анжони. Ятроген ва инфекцион касалликлар ВИЧ-инфекция, гепатит "В" ва бошқаларнинг профилактикаси.

Ортопедик стоматологияда қўлланиладиган ҳам ашёлар.

Металл қотишмалар ва уларнинг технологияси. Металл қотишмаларни қуйиш усуллари. Қавшарлаш ва пайвандлаш усуллари. Ортопедик стоматология клиникасида қўлланиладиган пластмассалар ва уларни турлари. Пластмассаларни қўллаш технологияси. Фарфор. Техник ва тиббий характеристикаси. Шишакристаллик хомашёлар. Ситаллар. Қолип олувчи ҳам – ашёларнинг таснифи. Қолип олувчи ҳам – ашёларга қўйиладиган талаблар. Қолип олувчи қошиқлар ва уларнинг турлари. Қолип олувчи қошиқларга қўйилган талаблар ва уларни бемор учун танлаш. Қолип олиш услуби.

Тиш тож қисми нуксонларида клиник кўринишлари ва уни протезлаш

Текшириш усуллари, ташхис. Қийсий ташхис олинмайдиган тиш протезлари билан даволаш усуллари. Тишни чархлаш: олинмайдиган тиш протезлар турлари тишларни чархлашни назарий асослари; чархлашда тиш тўқимаси ва пародонтни кўрсатадиган реакцияси: чархлашда бўладиган асоратлар, профилактика тадбирлари. Тиш тож қисми нуксонларини кистирмалар билан протезлаш. Ортопедик даволашда кистирмаларга қўрсатмалар; тиш қаттиқ тўқимасини нуксонини кистирмалар билан даволашда тишни қаттиқ тўқимасини чархлашни узига хос хусусияти; тўғри ва тесқари усулда кистирмалар гайёрлаш. кистирма тайёрлашни клиник-лаборатор бошқичарини.

Тишларни сунъий коплама билан протезлаш

Сунъий коплама билан ортопедик даволашга кўрсатмалар. Сунъий коплама турлари, сунъий копламалар билан даволашда тишни чархлашни мезонлари: сунъий коплама тайёрлаш учун колип олиш; тўлик копламаларга бўлган талаблар. Чинни ва пластмасса копламалар билан протезлаш; метал-чинни ва метал- пластмасса копламалар билан протезлаш; тиш тож қисмини батамом тўлик йўқлигида протезлаш: ўзақли конструкцияларни тайёрлашга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, ўзақли тишларни турлари ва тайёрлашни клиник-лаборатор босқичлари, ўзақли тишлар конструкциясини бир ва кўп илдизли тишлар учун махсус тайёрлаш, чўғирли коплама билан протезлаш.

Тиш катори нуқсонларини кўприксимон протезлар билан протезлаш

Кўприксимон протезни конструкцияси, кўприксимон протезни биомеханикаси, кўприксимон протезлар учун таянч тишларни танлаш, олинмайдиган протезлар учун суяк ичи имплантатлардан фойдаланиш, кўприксимон протезлар конструкциясини кавшарсиз, кавшарли усулда тайёрлашни клиник-лаборатор босқичлари. Кўприксимон протезларни тайёрлашни клиник-лаборатор босқичлари: яхлит қўйма, металлпластмасса ва металлокерамик кўприксимон протезларни тайёрлашнинг клиник-лаборатор босқичлари, кўприксимон протезлар оралик қисмининг турлари, қуйиш технологияси, олинмайдиган кўприксимон протезлар, кўприксимон протезларни клиник баҳолаш.

Қисман олиб қўйилувчи пластинкали протезлар тайёрлашнинг лаборатория босқичлари

Нусхаларни оккюзаторга (артикуляторга) гипс билан котиришни тиш усаси томонидан кўрсатилиши мумли асосни шаклантириш букиб тайёрланадиган симли илгакни тайёрлашни кўрсатиш. Сунъий тишлар ва уларни турлари. Сунъий тишларни танлаш, тиш каторлари нуқсонларида сунъий тишларни териш. Тишларни сунъий милксиз теришга бўлган кўрсатмалар (сунъий милк билан) протезнинг пластинкали асосини шаклантириш суяк протез ўринда ўсимталарини ажратиш - изоляция (торус, экзосторлар). Қисман - олиб қўйилувчи пластинкасимон протезни клиникада текшириш босқичлари

Тиш протезнинг мумли композициясини пластмассага алмаштиришни лаборатория босқичлари, гипслашни турлари (тўғри, тесқари, аралаш). Қисман олиб қўйилувчи пластинкасимон протезни оғизга мослаш, ўнинг баҳолаш мезонлари, пластинкасимон протезни оғизга мослаш ва жойлаштириш, оккюзиянинг турли ҳолатларида тиш каторларини артикуляция муносабатини текшириш, беморларни протезга қўниқиш жараёни. Қисман олиб қўйилувчи протезлардан фойдаланиш қодалари, оғиз бўшлиғи гигиенаси ва протезлар парвариши.

Хато ва асоратлар

Олиб қўйилувчи протезни мослаш «коррекциялаш», олиб қўйилувчи

пластинкали протездан фойдаланишда учрайдиган асоратлар. онкологик муҳофаза. Протез стоматитларини ташхиси. Қиёсий ташхис. Акрил пласмассаларни протез остидаги шиллик каватига алергик, кимёвий-токсик ва жароҳатлар таъсирида протез майдонинг шиллик каватида патологик ўзгаришлар келтириб чиқади. Икки каватли базисларга кўрсатмалар, металл ва металлштирилган пластмассали протез базислари, пластинкасимон протезларни синиши ва уларни улаш, олиб қўйилувчи пластинкасимон протезларни перебазировка қилиш усули.

Ўйли протезлар билан протезлашга кўрсатмалар

Кеннеди таснифи. Ўйли протезларнинг таркибий қисмлари, илгакли фиксация учун таянч тишларни сунъий коплама билан коплашга кўрсатмалар, илгакли ўйсимон протезларни тайёрлашни клиник-лаборатория босқичлари. Ўйли тиш протезларининг таркибий қисмларининг хусусиятлари. Ўйсимон протез элементларининг конструктив хоссалари. Маҳкамлаш усуллари: таянч ушлаб турувчи кламмерларни турлари телескопик копламалар қулфи мосламалар ва уларнинг турлари устунли мосламалар ва уларнинг турлари.

Таянч-ушлаб турувчи кламмерлар

Таянч-ушлаб турувчи кламмерли ўйсимон протезлар билан ортопедик даволаш. таянч-ушлаб турувчи кламмерларни жойлаштириш учун танланган табиий тишга бўлган клиник ва функционал талаблар. Таянч-ушлаб турувчи кламмерлар - Neу фирмасининг 5-та асосий турлари. Оклюзион бармоқчани жойлаштириш қонуниятлари ва унинг функционал хусусиятлари, кламмер елкаси, унинг тиш квадрантида жойлашиши ва функционал кўрсатмаси; кламмер танаси ва ўсимтаси - уларнинг жойлашиши ва ўйсимон протез каркаси билан бирлашиши кламмернинг, окклюзион юзасида бармоқчани жойлашган жойни ва елкани, чегараланган нуксонли ва дистал чегараланмаган тишни конструкцияни танлашга таъсири. Аттачменларни қўллаган ҳолда ўйли тиш протезлари билан даволашни ортопедик услублари. Қисман тишлар бўлмаган ҳолатларида телескопик, қулфи ва балка тизимли фиксаторлардан фойдаланиб, бюгель протезлари билан ортопедик даволаш, олинмайдиган ва олиб қўйилмайдиган аралаш тиш протезлари тушунчасини узлаштириш. Бемор оғзида яхлит қуйма бюгель протезни фиксациялаш.

Тишларни тўлик бўлмаслиги.

Тишлар тўлик бўлмаганда жағ суяклари ва юз скелетидаги ўзгаришлар. Этиологик омиллар, ёш ва турли гуруҳ тишларини олиншини даврийлигини таъсири. Клиник текширишни ўзига хослиги. Протез майдон тўқималари, юкори жағ ва пастки жағ альвеоляр ўсигини атрофияланиш даражаси, протез майдони шиллик кавати турлари (Суппле), берилувчан зоналар (Люнд), шиллик қават сезгирлиги турларини таснифи. Тишлар тўлик бўлмаганда олиб қўйилмайдиган протезни фиксация ва стабилизацияси усуллари. Функционал синамалар (Гербет ва бошқалар). Функционал колиплар таснифи. Индивидуал қошиқ ёрдамида функционал колип олиш усули.

Пастки жағ биомеханикаси. Тиш қаторларини артикуляция ва окклюзияни қонунари

Бонвил, Гонау артикуляция қонунари. Пастки жағни ташқи ва ички оғиз

ёзувлари. Тишлов болишчаларни окклюзион юзасини сферик тузилиши назарияси. Тулик тишсизликдаги тиш протезларини стабилизация тушунчаси.

Гизи артикуляторда ва окклюдаторда ойна устида тиш каторларини ортогнатик, прогнатик ва прогеник муносабатларда протезларни конструкциялаш. Индивидуал оккклюзион киялиги буйича тиш каторларини конструкциялаш.

Тулик тишсизликда протез конструкциясини текшириш

Бемор оғзида мумли асосдаги сунъий тишларни текшириш, сунъий тишларни танлашдаги тўғрилиги, урта-сагиттал чизикни юкориги жағ курак тишларини контакт нукталари билан тушиши: курак тишлар кесув кирраларини ва лабнинг кизил хошиясини тинч холатда, гапириш пайтида ва кулиш пайтидаги жойлашиш холати, юзнинг пастки қисми баландлигини тўғри баҳолаш. Марказий окклюзияни тўғрилигини текшириш. Тулик тишсизликда бемор оғзида тиш протезини жойлаштириш. Протез фиксациясини текшириш: марказий, олд, ён окклюзияларда тиш каторлари жипслашиши. Тулик тишсизликда икки каватли протез асослари. Металл базисли тулик олинадиган протезлар тайёрлаш хусусиятлари. Кучли қайт қилиш рефлексда протезлаш. Ямаш, протез асосини қайта тиклаш ва мослаш хусусиятлари.

Пародонт тўқимасининг касалликлари. Беморларни текшириш усуллари. Танлаб чархлаш усули ва даволаш мезони. Вактинчалик тахтакашлаш усули билан даволаш.

Пародонт касалликлари. Асосий белгилар, текшириш усуллари ва ташхиси. Одонтопародонтограммани тахлил этиш. Пародонт касалликлари этиологияси ва патологияси. Пародонтнинг травматик рикиши. Окклюзиограмма. Пастки жағнинг харакатларини чегараланган тишларни танлаб чархлаш.

Пародонт тўқимасининг касалликлари ортопедик даволаш. Доимий тахтакачли аппаратлар ва протезлар.

Таркок парадонтит ва унинг клиникаси. Рентнограмма ва одонтопарадонтограммани тахлил этиш. Таркок парадонтитни ортопедик даволаш усуллари. Таркок парадонтитни ва парадонтозни даволашда кулланадиган даволаш аппаратлар турлари. Тиш протезларидан фойдаланадиган беморларда оғиз бўшлиғи гигиенаси.

Патологик емирилиш. Этиопатогенез, тишларда ва тиш атрофи тўқималарида учрайдиган морфологик ўзгаришлар.

Патологик емирилиш. Этиологияси, патологияси ва диагностикаси. Чакка пастки жағ томографияси. артрография, рентгеноцефалометрияси. Патологик емирилишнинг клиник кўриниши, ўзгариши ва таснифлари

Патологик емирилиш ортопедик стоматологик даволаш усуллари ва олдини олиш мезони.

Маҳаллий патологик емирилиш. Тишларни кистирмалар, сунъий қуйма, аралаш копламалар учун чархлаш усуллари. Маҳаллий патологик емирилишни ортопедик ва комплекс даволаш усуллари. Таркок патологик емирилишнинг

интакт тиш каторларида юзнинг пастки кисми баландлиги пасайгандаги кўриниши. Отоневрологик синдром.

Кисман тишсизликда тиш каторларининг ва тишловнинг иккиламчи деформацияси. Ортопедик ва ордотонтик даволаш усуллари.

Патологик емирилишнинг интакт тиш каторларида юзнинг пастки кисми пасаймагандаги кўриниши. Тиш каторлари нуқсонларидаги деформациялар. Тишлов деформацияларда клиник кўриниши. Пастки жағнинг дистал сурилишидаги патогенез. Юз соҳасидаги симптомлар. Тишлов деформацияларда клиник кўриниши.

ЧПЖБ касалликлар. Артроз ва артритларнинг этиопатогенези. ЧПЖБ касалликларни ортопедик даволаш усуллари.

Чакка пастки жағ бўғими касалликлари. Чакка пастки жағ бўғими касалликлари таснифи. ЧПЖБни текшириш усуллари. ЧПЖБ касалликларини ортопедик даволаш усуллари. Функциограмма таҳлили.

Юз соҳасининг ва жағларнинг нуқсонлари. Ортопедик даволаш. Каттик ва юмшоқ танглайни нуқсонлари. Микростоманинг ортопедик даволаши. Юз -- жағ ортопедияси. Ук отар ва ук отар бўлмаган синишларни комплекс даволаш усуллари. Кам харакатчан синик булақларини даволаш усуллари. Юз -- жағ аппаратлари классификацияси. Сохта бўғимда жағлар синиб нотугри битганда, пастки жағ суяк нуқсонларида, микростомда ортопедик даволаш усуллари.

Имплантатлар ёрдамида ортопедик даволаш усуллари. Клиник курсатмалар. Тиш протезларнинг ва имплантатларни конструктив хусусияти.

Имплантатлар ёрдамида тиш каторларини кисман нуқсонини даволаш. Имплантат турлари, материалларга бўлган талаблар. Беморларни текшириш хусусиятлари. Имплантат куллашга курсатма ва карши курсатмалар. Имплантатлар куллаб ортопедик даволашни шакли ва усуллари. Имплантатни фиксациялаш усуллари. Имплантация усуллари -- бевосита, кечиктирилган, бир ва икки боскичли

Оғиз бўшлиғини шиллик каватининг сурункали касалликлари. Ортопедик даволашининг хусусиятлари. Ортопедик стоматология амалиётида қўлланадиган замонавий конструкцион хом ашёлари.

ОБШК сурункали касалликлари билан огриган беморларни ортопедик даволаш усуллари. Конструкцион материаллар танлаш. Базис материалларни кимёвий қумушлаш ва олтинлаш усули. Тиш протезига боғлиқ ҳолда организм туқимаси ва оғиз бўшлиғида руй берадиган ўзгаришлар. Аллергия, парестезия ва гальванизацияни клиник намоён бўлиши. Патогенез, клиника, киёсий ташхис. Онкологик эҳтиёткорлик. Гальванизм белгиларида киёсий ташхис.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда талабалар тишнинг қисман ва тўлиқ нуксонларини кистирма ва сунъий қопламалар билан даволаш мезонларини, тиш қаторларини кичик нуксонларида куприксимон протезлари билан даволаш, эстетик тиш протезлари билан даволаш, тиш қаторларини ўрта, катта ва тўлиқ нуксонларида олиб қўйилувчи пластинкали тиш протез билан даволаш ва турлича клиник куринишларини қиёсий ташхислаш ҳамда турли тиш протезларини лаборатор боскичларини ўрганадилар.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

Ортопедик стоматологиянинг мақсади ва вазифалари. Ортопедик стоматология фанинг ривожланиш тарихи.

1. Юз – жағ соҳасининг анатомияси ва физиологияси. Тиш ва тиш қаторлари.
2. Чайнов мушаклари, чайнов мушакларининг мутлоқ чайнов кучи, чайнов босими.
3. Тиш – жағ соҳаси анатомия – физиологик тавсифи. Артикуляция ва окклюзия. Тиш қаторининг ўзаро муносабати (прикус). Физиологик ва патологик прикус.
4. Чакка – пастки жағ бўғими. Пастки жағ биодинамикаси.
5. Ортопедик стоматология клиникасида беморларни текшириш. Ортопедик стоматология клиникасида асосий ва қўшимча текширув усуллари. Протезлашдан аввал беморларни психологик тайёрлаш.
6. Ортопедик стоматология клиникаси ва лабораториясида қўлланиладиган ашёлар таснифи (клиника ва тиш техник лабораторияси).
7. Қолип ашёлари. Асосий гуруҳлар. Қолип ашёларига қўйилган талаблар.
8. Ортопедик стоматологияда қўлланувчи металллар, пластмассалар ва фарфор хом ашёлар.
9. Пластмассаларнинг хусусияти, тавсифи ва унинг турлари. Ёрданчи стоматологик ашёлар. Ортопедик стоматология амалиётида қўлланиладиган тиббиёт асбоб – ускуналари.
10. Стоматологик қўрилмаларни ишга тайёрлаш, техника хавфсизлиги. Врач стоматологнинг иш жойини ташкиллаштиришдаги эргономик асослар.
11. Стерилизация ва дезинфекция, ходимларни хи-моя анжомиде. Ятроген ва инфекцион касалликлар ВИЧ-инфекция, гепатит "В" ва бошқаларнинг профилактикаси.
12. Металл қотишмалар ва уларнинг технологияси. Олтин ва унинг қотишмалари. Хром – кобальт қотишмалар. Хром никелли зангламас пулат қотишмалар. Металл қотишмаларни қуйиш усуллари.
13. Фарфор. Техник ва тиббий характеристикаси. Шишакристаллик хомашёлар. Ситаллар.
14. Мум: мум аралашмалари, клиника ва лабораторияда қўлланиши, физик ва механик хусусиятлари.
15. Қолип олувчи қошиқларга қўйилган талаблар ва уларни бемор учун танлаш. Қолип олиш услуги.
16. *Пародонт* касалликларини этиология ва патогенези.

17. Учокли пародонтит. Этиология. Патогенез.
18. Учокли пародонтитни даволашда қўлланадиган аппаратларга бўлган талаблар.
19. Пародонтит билан зарарланган беморларни реабилитацияси. Тиш протезлари билан фойдаланган беморларнинг оғиз бўшлигининг гигиенаси.
20. Патологик емирилишда учрайдиган тиш-жағ соҳасидаги ўзгаришларнинг таснифи.
21. Маҳаллий патологик емирилишни ортопедик ва комплекс даволаш усуллари.
22. Юз симптомлари. Отоневрологик синдромни этиопатогенези.
23. Патологик емирилишнинг тарқок шакли. Диагностика. Клиника. Даволаш.
24. Тишларнинг жойлашувининг, алвеоляр усимталарнинг шаклини турли хил ўзгаришлари.
25. Юз соҳасидаги симптомлар. Костен синдроми.
26. Тишларнинг жойлашуви, шакли ва сонининг аномалиясиининг шакли, этиология ва патогенези.
27. Юзнинг пастки қисмини пасайиши ташқи симптомлар. Тишлов турлари.
28. Маҳсус текшириш усуллари: компьютер томографияси, рентгенокинематографияси, артрографияси ва бошқалар
29. ЧПЖБ касалликларини даволашда қўлланадиган ортопедик аппаратлар ва тиш протезлари.
30. Юз-жағ соҳаси нуқсонларнинг клиникаси, этиологияси, патогенези.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва қўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустахкамлашга эришиш, таркатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар счиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишини тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан доблари ва мавзуларини ўрганиш;
- таркатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- Янги техникаларни, аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;

- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машгулотлари;
- масофавий (дистанцион) таълим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Тишларни анатомик шаклини тикловчи тиш протезларини турлари.
2. Тиш каттик туқимасини патологиясини келтириб чиқарувчи этиологик омиллар ва уларни таснифи.
3. Шифокорларнинг қабулдаги маданияти. Ортопедик муолажаларга беморларни психо-терапевтик тайёрлаш.
4. Тишларни чархлаш. Тишларнинг хавфсизлик сохалари. Чархлашга пародонтнинг жавоби.
5. Колип олувчи хом-ашёлар таснифи. Колип олувчи хом-ашёларга талаблар.
6. Окклюзаторлар ва артикуляторлар турлари.
7. Ортопедик стоматология амалиётида ишлатиладиган пластмассаларни тури ва хоссалари.
8. Оғиз бўшлигида сунъий қопламаларни цемент ва сувли дентинга қориштириш усули.
9. Куйма ва қўшилишланган - керамик массаларнинг таркиби ва хусусиятлари. Керамика учоғини тузилиши ва унинг ишлаш усули.
10. Стоматолог иш жойида ишлаш учун бирламчи назарий тайёрлов ва дастлабки амалий қўнникмалар билан танишув.
11. Стоматологик асбоб-ускуналар, тиш техник лабораториясида ишлатиладиган асбоб-ускуналар билан ишлаш тартиби, техника хавфсизлиги қоидалари.
12. Тиш экватори ва унинг ахамияти. Ортопедик стоматология клиникасида ташхислаш асослари. Қўшимча текширув усуллари.
13. Тиш протезларини пластмассадан пресслаб шакллантириш ва унга керакли асбоб-ускуналар. Ёрдамчи стоматологик хом – ашёлар.
14. Замонавий қолип олувчи хом ашёлар. Беморларни қолип олишга тайёрлаш.
15. Пастки жағ харакати. Тишларнинг окклюзион юзатари. Шпее эгри чизиги. Бенетт бурчаги, кесув ва бўғим йули.
16. Металл қотишмалар ва уларнинг технологияси. Олтин ва унинг қотишмалари. Хром – кобальт қотишмалар. Хром никелли зангламас пўлат қотишмалар. Металл қотишмаларни қуйиш усуллари.
17. Стерилизация ва дезинфекция, ходимларни химоя анжоми. Ятроген ва инфекцион касалликлар ВИЧ-инфекция, гепатит "В" ва бошқаларнинг профилактикаси.
18. Фарфор. Техник-тиббий характеристикаси. Шишакристаллик хомашёлар. Сигаллар.
19. Тиш-жағ соҳаси аномалияларини аниқлаш ва уларни урганиш.
20. Тиш-жағ соҳаси тузма аномалиялари.
21. Окклюзиография усули.
22. Юз-жағ соҳаси нуқсонларнинг клиникаси. этиологияси, патогенези.
23. Тиш протезлар билан фойдаланган беморларни клиникаси. қиёсий ташхислаш. онкологик хатирдорлик ва патогенези.

24. Имплантатларга бўлган кўрсатма ва қарши курсатмалар. Имплантация усуллари – бир босқичли, икки босқичли.
25. Икки қаватли тиш протезларнинг қўллаш. Уларга бўлган курсатмалар.
26. Металлдан ва фотокомпозитдан тесқари усулда тайёрланган қистирмалар билан ортопедик даволаш.
27. ЧПЖБ касалликларини этиологияси, патогенези, клиникаси.
28. Тиш протезлар билан фойдаланган беморларни оғиз бўшлиғи гигиенаси.
29. Тиш-жағ аномалиясининг таснифи. Юз-жағ аппаратларнинг таснифи.

Дастурнинг инфор­ма­цион-услубий таъ­ми­но­ти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

- барча мавзулар бўйича маъруза машгулотларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон дидактик технологияларни;
- фаннинг умумий ва хусусий бўлимларига тегишли мавзуларида ўтказиладиган амалий машгулотларда аклий ҳужум, қора қути, ўргимчак ини, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Щербаков А.С. Гаврилов Ё.И. Трезубов В.Н. Жулев Е.Н. Ортопедическая стоматология. С. Петербург. ИКФ «Фоллиант», 1997 год.-565 с.
2. Мирякубов М.М. Ортопедик стоматология. Тошкент, 1991 г.- 311 с.
3. Бсқметов М.В., Файзуллаев Ф.Ш. Ортопедик стоматология хом-ашёлари. Тошкент, 1994.

Қўшимча адабиётлар:

1. Ортопедическая стоматология Аболмасов Н.Г. М., 2003
2. Боровский Е. В. Копейкин В. Н. Колесов А. А. Шаргородский А.Г. Стоматология. Руководство к практическим занятиям. М., Медицина, 1987г., - с. 309-396.
3. Гаврилов Е. И. Пропедевтика ортопедической стоматологии. Кемерово, 1974 г.
4. Большаков Г. В. Подготовка зубов к пломбированию и протезированию. М., Медицина, 1983г. –112 с.
5. Быков В. Л. Гистология и эмбриология органов полости рта человека. С-Петербург, 1996г. – 246 с.
6. Копейкин В.Н., Демнер Л. Зубопротезная техника. Зубопротезная техника. М., Медицина, 1985г.
7. Копейкин В.Н. Пономаренко В. А. и др. Ортопедическая стоматология. М., Медицина, 1988г.,-511с.
8. Курляндский В.Ю. Ортопедическая стоматология. М. Медицина. 1978.

9. Штейнгарт М. В. Макарова К.А. Сополимеры в стоматологии. М. Медицина.1982г.
10. Яковлева В.П. Диагностика, лечение, профилактика стоматологических заболеваний. Минск.1994.-494 с.
11. Дойников А.Н. Спицилл В.Д. Зуботехническое материаловедение. М., Медицина, 1986г., - 208 с.
12. Гернер М. Пашадов М. А. Каральник Д.М.и др. Материаловедение в стоматологии. М., Медицина, 1984г., - 424 с.
13. Логинова Н.К. Функциональная диагностика в стоматологии. Изд-во «Партнер», М., 1994г. - 77-с.
14. Логинова Н.К. Воложин А.И. Патофизиология пародонта. Учебно-метод. пособие, М., 1996г. –108 с.
15. Пономаренко В.А. Марков Б.П. Шевченко В.И. и др. Методы исследования, диагностики и лечения при частичной утрате зубов несъёмными протезами. М.,1986г. –16 с.
16. Прохончуков А.А. Логинова Н.К. Функциональная диагностика в стоматологической практике. М., Медицина, 1980г.
17. Коновалов А.П., Курякина Н.В., Митин Н.Е. Фантомный курс ортопедической стоматологии. М.Медицинская книга.-2001 г.- 341 с.
18. Трезубов В.Н., Штейнгарт М.З., Мишнёв Л.М. Ортопедическая стоматология (Прикладное материаловедение). Санкт-Петербург, 1999.- 322 с.
19. Шварц А.Д. Биомеханика и окклюзия зубов. М., Медицина, 1994г. –196 с.

Интернет сайтлар:

1. www.dental.md;
2. www.tma.uz
3. www.rusmedserv.com.